



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРYO‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-йил • 29-январ • payshanba • № 4 (6584)

Темір yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 27 ЯНВАРЬ КУНИ
“РОСАТОМ” АТОМ ЭНЕРГИЯСИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ АЛЕКСЕЙ
ЛИХАЧЁВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “РОСАТОМ” КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мамлакатимизда интеграциялашган атом электр станциясини қуриш лойиҳасини рўёбга чиқаришнинг амалий жиҳатлари, шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида биринчи кам қувватли реактор биноси учун пойдевор қўйиш ишлари бошлангани мамнуният билан қайд этилди. Электр станцияни лойиҳалаштириш ишлари давом этмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкентдаги филиали негизида атом энергетикаси ва ядро технологиялари бўйича илғор муҳандислик мактаби ишга туширилди.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиётда ядро технологияларини қўллаш, соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, фанни ривожлантириш ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Prezident.uz

РАҚАМЛАР ШАРҲИ

Юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш, поездлар ҳаракатини тезлаштириш, таъмир харажатларини камайтириш, замонавий ва халқаро стандартларга мослашиш мақсадида инфратузилмани янгилаш долзарб ҳисобланади. Ушбу йўналишда 2025 йил давомида самарали натижаларга эришилди. Жумладан, **88,1** километр темир йўллар янгиланди, **172,4** километр темир йўллар электрлаштирилди, **171,5** километр янги темир йўллар қурилди. **8** та замонавий локомотив харид қилинди ва **36** таси капитал таъмirdан чиқарилди. **1210** та юк вағони ишлаб чиқарилди ва **1700** тасининг хизмат муддати узайтирилди. **51** та замонавий йўловчи вағони ишлаб чиқарилди, **81** таси капитал таъмirdан чиқарилди. Шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **1172** километр темир йўл излари бўйлаб **ВОЛС** линиялари ётқизилди, **9** та станция ва **12** та перегонларда **ССБ** қурилмалари модернизация қилинди.

СОВУҚ ВА ҚОРЛИ КУНЛАРДА ҲАМ ВОКЗАЛ ВА ПОЕЗДЛАРИМИЗДА НАМУНАЛИ ҲАМДА ХАВФСИЗ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА



ҚИШ ФАСЛИДА
АҲОЛИМИЗНИНГ
ИШОНЧЛИ ВА ХАВФСИЗ
БЎЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ
ТРАНСПОРТИГА ТАЛАБИ
ЯНАДА ОРТАДИ.

Шу боис айти пайтда юрти-
мизда ҳукм сураётган қиш фас-
лининг совуқ ва қорли кунлари-
да замонавий ва тезкор поезд-
ларимизда йўловчиларимизни
манзилга етказиб қўйишда соҳа
ҳодимлари масъулиятни икки
баробар ҳис қилган ҳолда меҳ-
нат қилишмоқда. Бу нафақат
вокзал ҳодимлари ёхуд замо-



навий поездларимизни бошқа-
раётган машинистлар, балки
вагон кузатувчилари, энерге-
тиklar, навбатчилар ҳамда
участка йўлларида поездларни
ҳаракатланишини ишончли таъ-
минлашга катта ҳисса қўшаёт-
ган йўлсозларнинг меҳнатини
ҳам эътироф этиш лозим. Бунга
биз Тошкентдан Шаҳрисабзга



юқори тезликда ҳаракатланув-
чи “Afrosiyob” электропоездида
хизмат сафарига бориб келган-
нимизда яна бир бор гувоҳ бўл-
дик.

2025 йилда таъмирланган
“Шаҳрисабз” юртимиздаги энг
қадимий вокзаллардан бири бў-
либ, тарихий ҳолатини сақлаб
қолган ноёб иншоотдир. Ушбу
вокзал 1916 йилда қурилган бў-
либ, қалин деворлари, ўзига ҳос
меъморий услуби билан таш-
риф буюрувчиларга Ўзбекистон
темир йўлларининг бир асрдан
ортиқ тарихга эга эканлигидан
хабар беради гўё. Қўркам во-
залда шинам меҳмонхона зали,
она ва бола хонаси, чиптахона

ҳамда тиббий пункт мавжуд.

Айни пайтда ушбу вокзалга
Тошкент – Шаҳрисабз – Тош-
кент йўналишида ҳафтада
бир маротаба (якшанба кунини)
“Afrosiyob” поезди қатнови йўл-
га қўйилган. Шунингдек, Шаҳри-
сабз – Қарши – Бухоро ҳамда
Бухоро – Қарши – Шаҳрисабз
йўналишида ҳам ҳар кунини ша-
ҳарлараро йўловчи поезди қат-
нови мавжуд.

Бу ерда бугунги кунда бир
вақтнинг ўзиде қарийб 200-250
нафаргача бўлган йўловчилар-
га хизмат кўрсатилмоқда.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
Тошкент – Шаҳрисабз – Тошкент

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

ЎТГАН ҲАФТА “ЎЗБЕКИСТОН
ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИА-
ТИДА БОШ МУҲАНДИС
Ш.КАДИРОВ ҲАМДА
КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ
ТЕМИР ЙЎЛ КОРПОРА-
ЦИЯСИ (KORAIL) ИЖРОЧИ
ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЧО
ЧИН ХВАН ИШТИРОКИ-
ДА ИККИ ТОМОНЛАМА
ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ МА-
САЛАЛАРИГА БАҒИШ-
ЛАНГАН УЧРАШУВ БЎЛИБ
ЎТДИ.



Унда томонлар ўртаси-
да аввал эришилган кели-
шувларнинг ижроси, уларни
амалга ошириш жараёнида
қўлга киритилган натижалар
ҳамда келгусидаги ҳамкор-
лиқнинг устувор йўналишла-
ри атрофида муҳокама қи-
линди.

Жумладан, “Ўзбекистон
темир йўллари” акциядор-

лик жамияти фаолиятини
рақамлаштириш соҳасида
ўзаро шерикликни янада
кенгайтириш масалалари
қўриб чиқилди. Шунингдек,
Тошкент – Самарқанд йўна-
лишида юқори тезликдаги те-
мир йўл қурилиши лойиҳаси
бўйича биргаликда ишлаш,
юқори тезликда ҳаракатла-
нувчи поездлар учун комп-

лекс техник хизмат кўрсатиш
депосини ташкил этишда
ўзаро ҳамкорликни йўлга қў-
йиш, мамлакатимизга янги
олиб келинаётган “Hyundai
Rotem” компанияси томони-
дан ишлаб чиқарилган юқори
тезликдаги электропоезд-
ларга техник хизмат кўрса-
тиш соҳасида тажриба алма-
шиш ва ушбу йўналишдаги

мутахассислар учун ўзаро
ўқув ҳамда малака ошириш
дастурларини ташкил этиш
масалалари юзасидан ўза-
ро келишувларга эришилди.
Учрашув якунида томон-
лар ўртасида келгусидаги
ҳамкорликни янада мустаҳ-
камлашга қаратилган ўзаро
англашув меморандумига қў-
шимча илова имзоланди.



МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ХАВФСИЗЛИК БОШҚАРУВИНИ САМАРАЛИ ТАКОМИЛЛАШТИРАДИ

Меҳнат муҳофазаси тизими ишлаб чиқариш жараёнларида инсон ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим ижтимоий-иқтисодий институт ҳисобланади. Саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларида технологик жараёнлар мураккаблашиб бораётган шароитда анъанавий, асосан қоғозбозликка таянадиган бошқарув усуллари ўз самарадорлигини йўқотмоқда. Шу боис меҳнат муҳофазасини рақамлаштириш замонавий талаб сифатида намоён бўлмоқда.

Меҳнат муҳофазасини рақамлаштириш – бу меҳнат хавфсизлигига оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологиялари асосида автоматлаштиришдир. Ушбу ёндашув хавфларни бошқариш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари – Электрон ҳужжат айланмаси, меҳнат муҳофазаси соҳасида электрон журналлар, электрон буйруқлар ва рақамли йўриқномаларни жорий этиш ҳужжатлар сақланиши ва ишончилигини оширади. Бу тегишув органлари билан ишлашда ҳам шаффофликни таъминлайди.

Онлайн ўқитиш ва билимни баҳолаш – Рақамли платформалар орқали ходимларни масофавий ўқитиш, тестлаш ва сертификатлаш имконияти яратилади. Бу билим даражасини доимий назорат қилиш ва инсон омили билан боғлиқ хавфларни рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари – Электрон ҳужжат айланмаси, меҳнат муҳофазаси соҳасида электрон журналлар, электрон буйруқлар ва рақамли йўриқномаларни жорий этиш ҳужжатлар сақланиши ва ишончилигини оширади. Бу тегишув органлари билан ишлашда ҳам шаффофликни таъминлайди.



толарни камайтиришга хизмат қилади.

Хавфларни рақамли баҳолаш – Риск-менеджмент тизимларида рақамли алгоритмлардан фойдаланиш иш жойларидаги хавфли омилларни тизимли равишда баҳолаш ва профилактик чора-тадбирларни режалаштириш имконини беради.

Реал вақтда мониторинг – Сенсорлар ва автоматлаштирилган назорат воситалари орқали иш муҳити параметрларини (газ, ҳарорат, шовқин ва бошқалар) узлуксиз мониторинг қилиш хавфли ҳолатларни эрта аниқлаш имконини беради.

Рақамлаштиришнинг самарадорлиги – тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамлаштирилган меҳнат муҳофазаси тизимига эга корхоналарда:

- бахтсиз ҳодисалар сони камайд;

- ишлаб чиқариш интизоми яхшиланади;
- хавфсизлик бўйича қарор қабул қилиш тезлашади;
- меҳнат муҳофазасига йўналтирилган бошқарув харажатлари қисқаради;
- меҳнат муҳофазаси маданияти юксалади.

Муаммолар ва чекловлар рақамлаштириш жараёнида қуйидаги муаммолар учраши мумкин, ходимларнинг рақамли кўникмалари етарли эмаслиги, техник инфратузилманинг чекланганлиги, ўзгаришларга нисбатан психологик қаршилик. Бу муаммоларни ҳал этиш учун босқичма-босқич жорий этиш ва кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат муҳофазасини рақамлашти-

риш ишлаб чиқаришда хавфсизлик маданиятини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали хавфларни олдиндан аниқлаш, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича билим савияларини ошириш, иш берувчи ва ходим муносабатларини тартибга солиш, инсон омилини камайтириш ва тизимли бошқарувни таъминлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан, меҳнат муҳофазасини рақамлаштириш орқали биз юз берадиган бахтсиз ҳодисаларни бошқарувчи омилга айлантира олишимиз мумкин. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича ишларни хавфсиз ташкиллаштириш, меҳнат муносабатлари соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича билим синовини синашни электрон тест тизимини ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги соҳасида рақамлаштириш бошқарувининг замонавий усулларини жорий этишга эришамиз.

Мурод ТОЛИБОВ,
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти –
Темир йўл саноат хавфсизлиги инспекцияси бошлиғи

Бугунги кунда жаҳон юк ташиш тизими бир нечта стратегик йўналишларга таянади. Автомобиль транспорти “ўйгача етказиб бериш” учун қўлай бўлса, авиация тезкорликни таъминлайди. Бироқ замонавий логистикада нафақат тезлик ва нарх, балки экологик барқарорлик ҳам асосий ўринга чиқмоқда.

ЛОГИСТИКА ВА ЭКОЛОГИЯ ЎЙҒУНЛИГИ: “ТЕМИРЙЎЛКАРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БИЛАН ЯШИЛ КЕЛАЖАК САРИ

Айнан шу талаблар асосида “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқаро савдо алоқалари учун энг самарали логистик ечимларни таклиф этмоқда. Темир йўл транспортининг устунлиги шунчаки сўзда эмас, балки аниқ кўрсаткичларда намоён бўлади:

Экологик тозалик: бир тонна юкни 1 километрга ташишда темир йўл автомобиль транспортига нисбатан ўртача 3 баравар, авиацияга нисбатан эса ўнлаб баравар кам карбонат ангидрид чиқаради;



Юқори қувват: “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти томонидан ташкил этиладиган битта юк поезди 40-50 та оғир юк машинасининг вазифасини бажаради. Бу эса автомобиль йўлларидаги тирбандликни камайтиради ва йўл инфратузилмасининг узоқ хизмат қилишига ҳисса қўшади;

Электрлаштирилган логистика: Жамиятимиз томонидан фойдаланилаётган электрлаштирилган линиялар атроф-муҳитга зарарни минимал даражага туширади, бу эса “яшил иқтисодиёт” тамойилларига тўла мос келади.

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати – об-ҳаво ва ташқи омилларга боғлиқ эмаслигидир. Кучли ёғингарчилик ёки ноқулай иқлим шароитида ҳам юклар белгиланган манзилингизга хавфсиз ва ўз вақтида етиб боради. Узоқ масофали юк оқимларини айнан темир йўлга йўналтириш орқали миқдорларга барқарор нарх ва қафолатланган натижани таклиф эта олади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти – нафақат самарали логистика, балки ҳаво тозаллиги ва экологик мувозанатни сақлашга қўшилган улкан ҳиссадир. Асрлар оша ўз ишончилигини йўқотмаган темир йўл, бугунги кунда биз билан бирга янги, “яшил” босқичга кўтарилмоқда.

Оминахон ЗИЁДУЛЛАЕВА,
талаба

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Ўзбекистон бу иллатга қарши қандай қурашмоқда?

Коррупция ҳар қандай жамиятнинг ички аъзоларини емирувчи касалликка ўхшайди. У бор жойда адолат мезони бузилади, иқтисодий ўсиш тўхтайти ва энг ёмони – халқнинг давлатга бўлган ишончи йўқолади.

Бугунги Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш шунчаки кампания эмас, балки давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг мустақкам ҳуқуқий базаси яратилган. Бунда асосий ҳужжат сифатида 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун эса коррупция энг кўп учрайдиган соҳалардан бири – давлат маблагларини тақсимлашни шаффофлаштиришга хизмат қилади. 2024 йил 5 июндаги “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун давлат хизматчилари-



нинг шахсий манфаатлари хизмат вазифаларига таъсир қилишининг олдини олиш тизимини яратди.

Айниқса, коррупцияга қарши курашда мустақил органларнинг ташкил этилиши ислохотларнинг муҳим бурилиш нуқтаси бўлди:

- Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (2020 йил): Президентга бўйсунувчи ва Олий Мажлис олдида ҳисобдор бўлган махсус орган. У коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатини юритади;
- Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши: давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ

фаолиятини мувофиқлаштирувчи юқори турувчи орган;

- Комплаенс-назорат (Compliance control): барча давлат ташкилотлари, вазирликлар ва банкларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ташкил этилди. Улар ташкилот ичидаги ҳар бир шартнома ва қарорни коррупцион хавф даражаси бўйича текширади.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Коррупциянинг энг катта душмани – шаффофлик”. Шу боис юртимизда электрон давлат хизматлари ташкил этилгани ушбу иллатга қарши курашишда энг муҳим қа-

дамлардан бўлди. Фуқароларнинг давлат хизматчиси билан юзма-юз учрашмасдан, my.gov.uz орқали иш битириши – пора бериш эҳтимолини 90 фоизга камайтиради. Бундан ташқари, очиқ маълумотлар, яъни давлат бюджетининг сарфланиши, ер участкаларининг аукцион орқали сотилиши, буларнинг барчаси коррупция илдиизига болта уради.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида, хусусан, 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида коррупция масаласига алоҳида тўхталиб, бу иллат ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ эканини қайта-қайта таъкидлади: “Такрор ва такрор айтаман. Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид”. Муаммога қарши самарали курашиш учун ижро ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш ва давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш масаласи асосий ечим сифатида кўрсатди.

Давлат раҳбари коррупцияга йўл қўйиш ислохотларимизга ҳиёнат эканини айтар экан, бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилишини

билдирди. Яъни, эндиликда барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозими жорий этилади. Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу раҳбарлар тизимдаги нопок шахсларни аниқлаш, шунингдек, бюджет маблағи талон-торож бўлиши ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатади ва Президент олдида ҳисобот беради. Давлатнинг ҳар бир сўм маблағи, ресурси бўйича шахсий жавобгарлик кучайтирилади. “Лавозимим, унвоним бор, менга ҳеч ким тегмайди”, деганлар адашади. Қонун олдида ҳамма тенг!” деди юртбошимиз ўз сўзида ва бунда ички ишлар, прокуратура, солиқ, божхона, молия, банк, йирик давлат компаниялари, вазирлик ва ҳокимликлар, бир сўз билан айтганда, бирорта идора ва ташкилот назоратдан четда қолмаслигини таъкидлади. Комплаенс хизматининг фаолиятига тўсқинлик қилганлар – коррупцияга шерик, деб баҳола-нишини ва жавобгарлик шунга мос ҳолда бўлишини қайд этди.

Кези келганда эътироф этиш жоизки, ислохотлар натижасида Ўзбекистон Transparency International ташкилотининг “Коррупцияни қабул қилиш индекси”да йилдан-йилга ўз

позициясини яхшилаб бормоқда. Сўнги йилларда мамлакатимиз бу рейтингда Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори ўсиш сурьатларини кўрсатди. Чунки Ўзбекистондаги ислохотларнинг ҳозирги босқичи “Жазолаш эмас, балки жиноят қилишга шароит қолдирмаслик” тамойилига асосланган. Бунда асосий урғу давлат хизматининг нуфузини ошириш, амалдорлар даромадини декларация қилиш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, кўп ҳолларда ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги ушбу муаммодан қутулишга қаршилиқ қилади. Кўп ҳолларда фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаганликлари учун “ишни осонроқ битириш” мақсадида пора беришга мойил бўлишади-да.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши кураш бу фақат ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Биз пора бермасликни ва пора талаб қилинишига жим қараб турмасликни ўрганишимиз керак. Зеро биз фақат биргаликда адолатли жамият қура оламиз.

Нодира ЖЎРАЕВА,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР
ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР МУҲОКАМА
КИЛИНДИ

“Темирийўлинфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Норқабилов бошчилигида жамиятнинг масъул раҳбар ва мутахассислари иштирокида Электр таъминоти хўжалиги бошқармасининг 2025 йилда амалга оширилган ишлари ҳамда 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалар ва рақамли ташаббуслар юзасидан тақдимот йиғилиши бўлиб ўтди.



Тақдимот давомида 2025 йил якунлари бўйича темир йўл электр таъминоти тизимларининг барқарор ишлашини таъминлаш, контакт тармоқлари, тортиш нимстанциялари ва бошқа муҳим инфратузилма объектларини сақлаш, таъмирлаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, электр таъминоти объектларининг техник ҳолатини яхшилаш, энергия узлуксизлигини таъминлаш ҳамда поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича эришилган натижалар қайд этилди.



Шу билан бирга, 2026 йил учун белгиланган устувор йўналишлар доирасида энергия самарадорлигини ошириш, илғор ва замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш, шунингдек, автоматлаштирилган назорат ва бошқарув тизимларини кенгайтириш бўйича режа ва ташаббуслар тақдим этилди.

Йиғилиш якунида бошқарув раиси С.Норқабилов томонидан 2026 йилги вазифалар юзасидан аниқ топшириқлар берилиб, масъул ходимларга белгиланган режаларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш, рақамли ечимлардан самарали фойдаланиш орқали электр таъминоти тизимлари ишончилиги ва темир йўл инфратузилмаси барқарорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШ БЎЙИЧА АНИҚ ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг тегishли буйругига асосан “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиалида ташишларни ташкил этишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда эксплуатация ишларини янада яхшилаш бўйича жойлардаги таклиф ва муаммоларни ўрганиш, уларга тезкор ечимлар топиш мақсадида кенгайтирилган муҳокама йиғилиши бўлиб ўтди.



Мазкур йиғилишда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти бошлиғи А.Шарифбоев, “Темирийўлинфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ташишни ташкил этиш ва рақамлаштиришни татбиқ этиш бўйича ўринбосари А.Аҳмедов, Ташишларни ташкил этиш департаменти Ташишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Ф.Нарбаев, Ягона диспетчерлик марказининг масъул поезд диспетчерлари, шунингдек, “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари М.Мирзаев бошчилигида ҳаракат хавфсизлигига алоқадор барча ходимлар иштирок этди.



Йиғилиш давомида корхона раҳбарлари, станция бошлиқлари, станция навбатчилари ҳамда машинистлар томонидан иш жараёнида юзага келаётган муаммо ва саволлар муҳокама қилиниб, уларга тегishли тушунтириш ва жавоблар берилди. Шунингдек, иш унумдорлигини ошириш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини нуқсонсиз ташкил этиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР
ТАҚДИМОТИ

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи О.Худойкулов ҳамда филиал бошлиғи ўринбосарлари, бош муҳандиси ва бўлими бошлиқлари иштирокида Салар, Тошкент, Жиззах темир йўл масофалари, Тошкент сигналлаштириш ва алоқа, Тошкент электр таъминоти корхоналарининг 2025 йилда амалга оширган ишлари ҳамда 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалари ва рақамли ташаббуслар юзасидан тақдимот маросими ўтказилди.



Унда 2025 йилда мазкур корхоналарнинг муҳим инфратузилма объектларини сақлаш, таъмирлаш, модернизация қилиш борасидаги ишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, 2026 йил учун белгиланган устувор йўналишларда иш самарадорлигини ошириш, илғор ва замонавий технологияларни жорий этиш, рақамлаштириш ҳамда автоматлаштирилган назорат ва бошқарув тизимларини кенгайтириш бўйича режа ва ташаббуслар тақдим этилди.

Тақдимотда раҳбарият томонидан 2026 йилги вазифалар юзасидан аниқ чора тadbирлар белгилаб берилди.

“ҚАРШИ” СТАНЦИЯСИ ҲАМДА
“ҚАРШИ” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА
ЎРГАНИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти бошлиғи А.Шарифбоев ва “Темирийўлинфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ташишни ташкил этиш ва рақамлаштиришни татбиқ этиш бўйича ўринбосари А.Аҳмедов томонидан “Қарши” станцияси ҳамда “Қарши” локомотив депосида ўрганишлар амалга оширилди.



Ташрифнинг асосий мақсади жойларда яратилган шароитларни ўрганиш, замонавий технологиялар жорий этилиши ва ишчи-ходимлар учун яратилган қулайликлар билан яқиндан танишишдан иборат бўлди.

Жараён давомида иш жойларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши, барча иш фаолиятини автоматлаштириш ва инсон омилини камайтириш бўйича амалга оширилган чора-tadbирлар ҳамда соҳа ходимларининг меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий янгиликлар ўрганилди.

ЙЎЛЛАР ҚОР ВА МУЗЛИКЛАРДАН
ТОЗАЛАНДИ

Республикамизда қиш фаслининг совуқ кунлари давом этаётган бери пайтда Қарши вилоятида ҳамда қучли қор ёгиши кузатилди.

Хусусан, “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали тасаруфидagi станциялар, корхоналар ҳамда филиал ҳудудларида қор қўп миқдорда ёгиши натижасида йўллар, пиёдалар ўтиш жойлари ва ишчи ҳудудларда қор ва муз қатламлари ҳосил бўлди.



Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ равишда хавфсиз ҳаракатланишлари учун жойларда тезкор чоралар қўрилди. Жумладан, ишчи-ходимлар томонидан йўллар қор ва музликлардан тозаланди, пиёдалар йў-

лакчалари очилди, сирпанчик жойларга қум ва махсус аралашмалар сепилди.

Ушбу ишлар юқори масъулият ва жамоавий ҳамжиҳатлик асосида олиб борилиб, ҳар бир ходим ўз хизмат вазифасига фидойилик билан ёндашди. Натижада темир йўл инфратузилмасининг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши таъминланиб, поездлар ҳаракати белгиланган жадвал асосида барқарор давом этди.



“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали жамоаси ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар ва юк ташиш жараёнининг узлуксизлигини сақлаб қолиш йўлида бор қуч ва салоҳиятини сафарбар этиб келмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ
МУРОЖААТНОМАСИНИНГ
МАЗМУН-МОҲИЯТИ
ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИЛМОҚДА

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон парламенти ва халқига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида муҳим тарғибот tadbирлари ташкил этилмоқда.



Узел бошлиғининг биринчи ўринбосари Ш.Нурматов бошчилигида вагонларга техник хизмат кўрсатиш участкасида давра суҳбати ўтказилди. Унда Президент Мурожаатномасининг аҳамияти ва устувор йўналишлари хусусида сўз юритилди.

Мурожаатномада мамлакатни ҳар томонлама барқарор ривожлантиришга қаратилган комплекс вазифалар белгиланган. Шу боис Мурожаатномадан келиб чиқувчи устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, иш самарадорлигини янада ошириш, жамоада масъулият ва фидойилик муҳитини кучайтириш ҳар бир ходимнинг энг муҳим бурчи экани айтиб ўтилди.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ КУНИ
ДОИРАСИДА

Бугунги кунда темир йўл транспортда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари томонидан ҳаракат хавфсизлиги кунинда жойларда ўрганиш ишлари олиб борилди.



Ўрганиш жараёнида “Бухоро” локомотив депосида локомотивларнинг техник ҳолати, эксплуатация жараёнидаги хавфсизлик талабларига риоя этилиши, машинистлар фаолияти ҳамда назорат тизимларининг самарадорлиги таҳлил қилинди. Шунингдек, носозликларни эрта аниқлаш, режалаштирилган техник хизмат кўрсатиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда амалга ошириш ишлари-га алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бир қаторда “Бухоро – Мискин” темир йўл участкасидаги кўрикланадиган темир йўл кесимшала-рида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳамда ўрнатилаётган УЗП қуриламалари кўздан кечирилди. Қиш мавсумини беталафот ўтказиш ҳамда ишчи-ходимларга яратилган шароитлар бўйича узел раҳбари томонидан “Олот” темир йўл станциясидаги шароитлар ва олиб борилаётган ишлар ўрганилди.


Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар темир йўл соҳасини янада ривожлантириш ва хизмат сифатини оширишга хизмат қилади.



НА ДОРОГАХ МИРА

“ТРАНСМАШХОЛДИНГ” ИСПЫТАЛ КУЗОВ ВАГОНА
ПОЕЗДА НА ВОДОРОДНОМ ТОПЛИВЕ

Тверской вагоностроительный завод изготовил и отправил на Демидовский машиностроительный завод (оба предприятия входят в состав “Трансмашхолдинга”) для дальнейшей сборки кузов головного вагона низкопольного поезда на водородном топливе модели 62 4584.



Надежность конструкции проверили специалисты Тверского института вагоностроения. В лабораторных условиях кузов подвергали воздействию продольных усилий на сжатие по осям сцепных устройств, моделировали вертикальные нагрузки от массы тары кузова и массы брутто – от кузова вагона со всем оборудованием и максимальной расчетной нагрузкой от пассажиров. Отдельно проводились испытания на подъем за сцепные устройства и на домкратах, имитирующие ситуации при ремонте вагонов.

Для контроля напряжений на кузове было установлено около 250 тензоре-зисторов. Особое внимание уделялось элементам конструкции, которые испыты-вают наибольшие нагрузки.

По итогам испытаний Тверской институт вагоностроения выдал положи-тельное заключение. Кузов головного вагона полностью соответствует требо-ваниям стандартов.

В настоящее время ведутся аналогичные испытания кузова промежуточно-го вагона поезда на водородном топливе.

PORTERBROOK КУПИЛА 404 МОТОРВАГОННЫХ ПОЕЗДА
У БРИТАНСКОЙ КОМПАНИИ CORELINK

Лизинговая компания Porterbrook завершила сделку по приобретению пар-ка пассажирского подвижного состава (404 ед.) у другой британской лизинго-вой компании – Corelink Rail Infrastructure. В сделку включены 324 электропоез-да серии 730 семейства

Aventra и 80 дизель-поез-дов серии 196, которые находятся в эксплуатации у оператора West Midland Trains, выполняющего пе-ревозки пассажиров по региональным и междуго-родным маршрутам между Лондоном, Бирмингемом и Ливерпулем. Доля пере-возок, выполняемых этими поездами, приближается к 60 % в общем объеме работы оператора.



Сделка завершает пятилетнюю инвестпрограмму Porterbrook в размере более 1 млрд ф. ст., которая включает приобретение новых поездов, модерни-зацию эксплуатируемого парка, замену тягового оборудования и обновление инфраструктуры.

Пятивагонные электропоезда Aventra будут проходить техобслуживание в депо города Блетчли. В 2025 г. Porterbrook инвестировала в модернизацию это-го депо 66 млн ф. ст.

Электропоезда семейства Aventra используются на маршруте Уолсall – Вулвергемптон, а также на пригородной линии Cross-City до Бирмингема. В первой год эксплуатации на линии (начиная с марта 2024 г.) этими поездами перевезено 12 млн пассажиров.

Corelink является совместным предприятием инвестиционной компании Infracapital и Pan-European Infrastructure II – инфраструктурного фонда, контро-лируемого немецкой DWS Group.

SNCB НАРАЩИВАЕТ МОЩНОСТИ ПО ОБСЛУЖИВАНИЮ
ПОЕЗДОВ В ДЕПО ОСТЕНДЕ

Национальное общество железных дорог Бельгии (SNCB) ввело в эксп-луатацию новый цех в депо Остенде. В рамках проекта стоимостью 47 млн евро построено здание цеха длиной 200 м, шириной 18 м и высотой 13 м с двумя сквозными путями, на которых одновременно можно обслуживать до че-тырех поездов. Реализованная здесь технология предусматривает регламент с двухнедельным интервалом между операциями технического обслуживания поездов. Продолжительность работ при этом составляет около 4 ч. Они выпол-няются преимущественно в ночное время, чтобы обеспечить максимальную готовность поездов в пиковый утренний период.



Внешняя смотровая канава длиной 370 м оборудована несколькими рабо-чими позициями. В цеху предусмотрены мобильные платформы для доступа к токоприемникам и тяговые агрегаты на комбинированном ходу для переме-щения поездов по путям депо. На крыше установлены более 900 фотоэлект-рических панелей, способных вырабатывать до 400 кВт·ч энергии. Обустроена система сбора дождевой воды.

Депо в Остенде со штатом около 250 чел. рассчитано на техобслуживание до 400 локомотивов и поездов в месяц. Это пятый крупный проект модерниза-ции ремонтных предприятий, реализованный SNCB в рамках инвестиционного плана стоимостью 1,4 млрд евро, охватывающего период 2023 – 2032 гг.



НУРИДДИН РАСУЛОВ:

“ТЕМИР ЙЎЛДА ИШЛАШ – ШУНЧАКИ ВАЗИФА ЭМАС, БАЛКИ ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА АМАЛДА ҲИССА ҚЎШИШДИР!”

У шу кунга қадар “Юрт келажаги-2015” иқтидорли ёшлар кўрик-танлови Республика босқичи 1-ўрин қолиби, 2022 йилда Германия халқ университетлари ассоциациясининг Ўзбекистондаги филиали томонидан ўтказилган “Ижодий марафон” танловининг 1-ўрин соҳиби. У бошчилигидаги “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали жамоаси “Заковат-2024” кўрик-танловининг Республика босқичида 1-ўринни қўлга киритди.

2009 йилда “Бинафшам”, 2014 йилда “Уйғоқ нигоҳ” шеърӣ тўпламлари нашр этилган. 2024 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлган, адабиёт йўналишида юсак ютуқларга эришиб келаётган истеъдодли шоир Нуриддин Расулов билан қўшма суҳбатлашдик.

– **Айтингчи, бугунги кунда темирйўлчи ёшлар берилган имкониятлардан қанчалик фойдаланишмоқда?**

– Ёшлар етакчилари кенгаши томонидан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган барча ёшларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Хусусан, соҳавий танловлар, масалан: “Инновацион ғоялар”, “Энг фаол ёш темирйўлчи”, “Зукко китобхон”, “Заковат”, “Зукко темирйўлчи хотин-қизлар”, “Киберспорт”, “Шахмат кубоги”, “Бошқарув раиси кубоги” футбол мусобақаси каби лойиҳалар орқали 35 ёшгача бўлган барча ишчи-ҳодимлар қамраб олинган. Кенгаш ўз қобилиятини юзага чиқармоқчи бўлган ҳар бир иштирокчи ёшга ҳар доим қўллаб-қувватлайди ва иқтидори

Нуриддин Расулов 1990 йил 21 ноябрда қашқадарё вилояти қарши шаҳрида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университетининг “қарши” филиалини тамомлаган. 2013 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг қарши алоқа ва ишорат муассасасида алоқа механиги бўлиб иш фаолиятини бошлаган темирйўлчи ҳозирда “ТЕМИРЎЛЛИНФРАТУЗИЛМА” акциядорлик жамиятининг “ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” филиали ёшлар етакчилари кенгаши координатори лавозимида фаолият юритмоқда. Оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси.

даражасида юксалтиришга ҳаракат қилади.

– **XXI аср – интернет асри. Замонавий соҳаларни эгаллаш учун ёшлар ўз олдига қандай мақсад ва режалар қўйиши керак деб ўйлайсиз?**

– Албатта, ҳозир замон шиддат билан ривожланаётган бир пайтда, биринчи ўринда камида иккита чет тилини билишни тавсия қиламан. Ундан кейинги муҳим йўналиш – сунъий интеллект, дастурлаш ва рақамлаштириш ишларида фаол қатнашишдир. Учинчи тавсиям эса адабиётга ошно бўлиш, бадий китоблар ўқишдир. Сабаби, инсонда қачонки янги китоб ўқиб, тафаккур қилсагина янги ғоялар пайдо бўлади. Албатта, бу режа ва мақсадлар замирида катта меҳнат ётади.

– **Тизимдаги янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда ёшларимизнинг ҳиссаси қандай бўлмоқда?**

берсангиз, Чехов шифокор, Франц Кафка суғурта ходими, ўзимизнинг сеvimли адабимиз ўткир Ҳошимов ҳам маълум вақт “Темирйўлчи” газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган. Яна, масалан, Толстой катта ер хўжалиги эгаси, Чингиз Айтматов ветеринария соҳасини битирган бўлса-да, буюк адабиёт яратган.

Мен учун ижодий фаолият – руҳият билан, иш эса инсоннинг ҳаракати ва даромади билан боғлиқ. Бу икки йўналиш бир-бирини тўлдиради, одамлар билан ишлаш жараёни ижод учун манба бўлади. Қасбим ҳам, ижод ҳам менга завқ бергани учун иккаласига ҳам вақт топаман. Илҳом эса асосан ҳамма ухлаган, атроф тинч бўлган тунда ёки эрта тонда келади. Илк шеъримни 2-синфда ёзганман.

– **“Ўзбекистон темир йўллари” ак-**

циядорлик жамияти ҳақида фикрингиз қандай?

– “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг катта жамоаси ҳар доим амалий ишлари билан ўрнатилган бўлиб келган. Бу ерда фақат гапда эмас, балки тил ва дилда бирлик бор. Шу жиҳати билан тизим ходимлари ҳамisha ҳурматда. Темир йўлда ишлаш – шунчаки вазифа эмас, балки Ватан тараққиётига амалда ҳисса қўшишдир. Барча сафдошларимга, тенгдошларимга ҳар йили янги ўсиш ва мақсадларига эришишларини тилаб қоламан. Ҳа-миша Ватанига садоқатли фарзанд бўлиш бахти насиб этсин.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди



ТАДБИР

ТОШКЕНТДА ҲИНДИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРАМИ – РЕСПУБЛИКА КУНИНИНГ 77 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ



Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонасида 26 январь – Ҳиндистон миллий байрами – Республика куни нишонланди.

Байрам тадбири Ҳиндистон Республикаси давлат байроғини кўтариш билан бошланди. Шундан сўнг давлат мадҳияси янгради ва ма-

росимнинг маданий қисми бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон элчихонаси вакилларининг нуқти ва ватанпарварлик қўшиқлари янгради. Тадбирда Ўзбекистондаги ҳинд диаспораси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ҳиндистонда Республика куни 1950 йил 26 январдан буён нишонланиб келинади. Шу куни мамлакат Конституцияси кучга кирган, унда Ҳиндистон суверен, демократик

Республика, деб эълон қилинди.

Ҳиндистон – дунёда энг кўпмиллатли мамлакатлардан бири. Мамлакатда турли тилларда сўзлашувчи бир неча юз миллирдан ортиқ киши яшайди. Уларнинг бошини қовуштирувчи, тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашини таъминлайдиган амалдаги конституция 1950 йил 26 январдан кучга кирган. Шундан буён 26 январь – Республика куни сифатида нишонланади.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.
Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-134 Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6